


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 156 (10.461) / 2005 ЙИЛ 11 АВГУСТ



XVI сароси
Барча маъбарлардан олқитга сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Ҳадемай еру кўкни тутган чорлов мусиқаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради... Энг азиз, энг улуг шодиёна ҳисобланган Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги тантаналарини нишонлашимизга ҳам санокўли кунлар қолди. Шу муносабат билан юртимизда кенг миқёсда бунёдкорлик, обдонлаштириш ишлари қизгин паллага кирган. Айни кунларда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ҳам байрамга тайёргарлик ишлари авжида.

Бу ерда «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси буюртмасига кўра бош пудратчи ҳисобланган «12-трест» очик акциядорлик жамиятининг қўли гул бунёдкорлари томонидан «Мустақиллик саҳна мажмуаси» ни куриш ишлари яқин кунларда поёнига етказилади. Яъни, курилиш майдонидан курилиш-монтаж ишлари яқунлаши арафасида. Мазкур ишлар 3 сменада ташкил этилган бўлиб, пудратчи ташкилотлар мададкор бўлмақда. Масалан, бу ерда «Тошшаҳарнур» ташкилотидан 100 нафар касбини эъзозлаган нурчилар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

жиҳатдан мукаммаллаштирган ҳолда тайёрламоқдалар. Яъни аввалги йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилиниб, унинг замонавий, мусти маҳкам ва барча параметрларга тўла жавоб бериши таъминланмоқда.

юмушлар ўзаро уйғун тарзда олиб борилмоқда. Жазирама офтоб, иссиқнинг тафтини ҳам бунёдкорлар писанд қилмай, қатъий режа асосида меҳнат қилмоқдалар.

Уларнинг кечаю кундуз олиб бораётган жўшқин ишларининг бир маромда кечишига бош пудратчи ташкилот томонидан етарли шарт-шароитлар яратилган. Аввало иклимимизга мос, пахта матосидан тикилган махсус иш кийимлари ишчиларнинг баракали, хавфсиз меҳнат қилишларига имкон бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик байрами шодиёнасига ташриф буюрган ҳамюртларимиз ҳамда узоқ-яқиндан келган меҳмонлар гўзал оқшомнинг гувоҳи бўладилар. Салобатли майдондаги шуқуҳли дамларда барчанинг дили нурафшон бўлиб, кўнгиллари шодликка тўлади албатта.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги «Мустақиллик саҳна мажмуаси» курилишида ишлар қизгин кечмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Эътиборли томони, мажмуада режиссёр пулти юксак даражада бўлиб, саҳна ортида қўшимча техник хоналар ҳамда керакли мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган хоналар махсус жиҳозланади. Шунингдек, Чилонзор туман обдонлаштириш бўлимининг малакали ишчилари майдон кўржамга кўрк қўиш, кўкалам-зорлаштириш, ранго ранг гулу чечакларга буркашда бор маҳоратларини ишга соладилар.

Байрам тантаналари ўтадиган кунда нурафшонлик яратувчи чироқлар «базми» «Тошшаҳарнур» ташкилоти ишчилари томонидан бажарилмоқда. Кувонарлиси, майдонда барча

ПОЙТАХТНИНГ
Дар кўни
Янгилар, воқеалар

ҚИСҚА
сўзларда

● **БУГУН** Учтепа туманидаги 238-мактабда «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Компьютерсиз ҳаёт борми?» деб номланган ўқув курсининг навбатидоги машғулоти ўтказилди.

● **БУГУН** «Оққўрғон» маҳалласида беморга тез тиббий ёрдам кўрсатиш амалиёти бўйича бўлиб ўтган тадбир «Камолот» ЁИХ Мирзо Улугбек туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Амир Темури маҳалласида ўтказилган анжуман ёшларнинг сиёсий саводхонлигини оширишга бағишланди.

● **БУГУН** «Сузук ота» маҳалласида Сихат-саломатлик йили муносабати билан «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш хусусида сўз борди.

● **БУГУН** Ибн Сино номли маҳалла гузаридоги ёшларнинг таътил кунларини мароқли ўтказишларига имкон яратиш мақсадида маънавий-маданий тадбир ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРГА СОДИҚЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ХОРИЖ АКС-САДОСИ

Ўзбекистон Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони ҳақидаги хабар етакчи хорижий ахборот агентликлари, жумладан, «Би-Би-Си», «Франс Пресс», «Синьхуа», «Рейтер», «Ассошиэйтед Пресс», ЮПИ, «Немис тўлкини», «Интерфакс», РИА «Новости» сингари ахборот маҳкамалари томонидан тезкорлик билан тарқатилиши баробарида турли мамлакатларнинг кўп сонли сиёсатдон ва экспертлари бу қарорни шарҳлаб, ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Брюссель университетининг фахрий профессори, Қироллик Академиясининг аъзоси Ж.Бланкоффнинг таъкидлашича Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохоти доирасида қабул қилинган мазкур Фармон мамлакатнинг барча тараққий топган давлатлар содиқ бўлган кадриятларга мувофиқ келадиган интилишларини ўзида акс эттиради. Бундан ташқари, мазкур чора Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида қабул қилинган тамойилларга рия этишга бўлган интилишларини намойиш қиладди.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги махсус вакили Я.Кубиш ушбу Фармон Ўзбекистон Президентининг мамлакат парламенти Сенати ва Қонунчилик палатасининг биринчи кўшма йиғилишидаги дастурий нутқида қўйилган вазифалар юзасидан республика ҳуқуқатининг изчил қарори эканлигидан шаходатдир, деб баёнот берди. Бунда у Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштиришга йўналтирилган ислохотлар амалга оширилаётганини тўла қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги Шарқий департаменти бошлиғи С.Смитнинг кайд этишича, ушбу Фармон Ўзбекистоннинг демократик жамяят куриш ва инсон ҳуқуқларига рия этилишини қамоқлатиш йўлидаги изчил ҳаракатланаётганининг кўрсаткичи ҳисобланади.

«Жаҳон» АА

УЧИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2005 йил 11 августда учинчи чакриқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари бешинчи сессияси бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларига депутатлар сайловини ўтказиш ҳамда бошқа масалалар қўриб чиқилади.

Жаҳонда

● Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми у бошчилик қилаётган Либерал-демократик партия ва Комэйто партияси таркибидоги коалиция 11 сентябрда кўни бўлиб ўтадиган сайловларда етарлича овоз тўпламаган тақдирда истеъфо беришини билдирди.

● Фаластин маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос парламентнинг махсус сессиясида маълум қилишича, Фаластин мухториятида парламент сайловлари 2006 йилнинг январь ойида ўтказилади.

● Шарм-аш-Шайхдан узоқда бўлмаган тоғли худудда Мисрнинг хавфсизлик хизматлари Шарм-аш-Шайхда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларида гумон қилинган беш кишини ҳибсга олишди.

● Австралиянинг жануби-шарқий худудларида охириги 50 йил ичидаги энг кучли қор бўронлари бошланди. Тахминларга кўра, қор бўронлари яна бир неча кун давом этиши ва кучайиши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йил биринчи ярим йилдаги ижроси тўғрисида молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафоновнинг ахбороти тингланди.

Тавқилдиганидек, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича устувор йўналишларнинг изчил амалга оширилиши инфляциянинг мўтадил даражасини, бюджет мутаносиблигини, фаол таъши савдонини, савдо балансидан ижобий сальдонини таъминлаш ва

юқори суръатлардаги иқтисодий ўсиш тенденциясини мустаҳкамлаш имконини берди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,2 фоизни ташкил қилди. Экспорт ҳажми 116,7 фоиз ортди. Давлат бюджетининг даромадлари ва харajatлари парламент тасдиқлаган параметрлар доирасида бўлди.

Макроиктисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш соҳасида қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, миллий валюта курсини мустаҳкамлаш, ижтимоий дастурларни устувор тарзда молиялаштириш соҳасида бюджет маблағларидан самарали фойдаланилди.

Жумладан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бюджет харajatлари самарадорлигини ошириш, иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловлар бўйича харajatларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини молиялаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва бюджетлараро муносабатларни янада тақомиллаштириш асосида амалга оширилди. Шундан 71 миллиард сўм мактаблар биноларини янгиллаш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, замонавий ўқув лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-усулвий материаллар билан жиҳозлаш каби асосий харajatларга йўналтирилди.

Кун тартибидоги масала юзасидан қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳам ахборотлари тингланди.

Мажлисида, шунингдек, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

(ЎзА)

Иқтисодиёт

ЯРАШИҚЛИ ВА СИФАТЛИ

Безишга «Либос — хуснага мос», дея алоҳида таъкидланмайд. Чиндан ҳам ярашиқли ва сифатли кийим-бош нафақат ўзининг, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам қиймати кўтариши табиий.

Бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор Лола Галъка ўз хунари орқали нафақат Сергели туманида, балки шаҳримизда ҳам танилди. Унинг самарали меҳнати билан яратилган чарм маҳсулотлари замонавийлиги, чиройли бичими ва сифати билан хорижликдан асло қолишмайди. Туманда ўтказилган «Ташаббус» кўриқтановида бир неча бор «Энг яхши хунарманд» номига сазовор бўлган тадбиркор аёл эндиликда «Шаҳар-чарм» корхонасини очишга муваффақ бўлди. Россия дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозланган корхона цехларида эндиликда табиий чармдан бозор талабига кўра аёллар, эркаклар ва болалар устки кийимлари тикилади.

— Корхонамиз буюртма асосида иш юритиб, — дейди Лола Галъка, — ҳар қандай буюртмани харидор талаби асосида бажарамиз. Махсулот турларини яратишда Туркия, Италиянинг ҳамда маҳаллий чарм хом ашёсидан фойдаланамиз. Кийим-кечаклар моделини яратиш билан бирга чармдан турли эсдалик совғалари, сумка ва косметика анжомлари ҳам тайёрлаймиз.

Шунингдек, мижозлардан тушган буюртмалар, яъни чармдан тикилган эски кийим-кечаклар асосида ҳам керакли либослар, рўзгор буюмлари тайёрлаш берилади. Корхонанинг иш бошлаш 20 та одамга ишчи ўрни яратди.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ички бозорни ўзимизда тайёрлаган четдан келтириладиган товарлар ўрнини босувчи, улардан асло қолишмайдиган маҳсулотлар билан таъминлашда хориж сармояларини жалб этган ҳолда иш юритаётган кўшма корхоналарнинг ҳиссаси катта.

«Ройсон-электроникс» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маиший электроника маҳсулотлари ҳам ана шулар жумласидан бўлиб, бугунги кунда улар харидор эътиборида. Бир неча турдаги ясси экранли рангли телевизорлар, «Қиш ва ёз» деб номланган кондиционерлар ва музлаткичлар корхона тадбиркорларининг 2 йиллик фаолияти давомидаги изланишлари самарасидир. Жорий йилда эса музлаткичларнинг янги турларини ишлаб чиқариш режаланган ва бунинг учун хориждан янги ишлаб чиқариш линияси келтириб ўрнатилди. Янги линия асосида нафақат музлаткичлар, балки видеоплейерлар ҳамда мусика марказлари ҳам тайёрлаш имконияти яратилди.

100 нафардан зиёд ишчи хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада келгуси йилда телефон аппаратлари ҳамда кир ювиш машиналарини ҳам ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Маҳсулотлар қўшини Афғонистон ҳамда Хамдустлик давлатларига экспорт қилинмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ИСЛОҲОТЛАР ОҚИМИДА

Хусусан Президентимизнинг

ақинида эълон қилинган тадбиркорликка оид Қарор ва Фармонлари, яъни тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил сиёсат айни ишбилармонлар кўнглидаги, дилидаги иш бўлди.

Айни вақтда шаҳримизда 20.419 та ҳўжалик юритувчи субъектлар ва 12.763 та яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан алоҳида хизмат кўрсатиш маданияти бирмунча юксалди, хориж товарлари билан бемалол рақобатлаша оладиган махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот миқдоридан ҳам хусусий

секторнинг улуши йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундан кўринадики, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришдан барча бирдек манфаатдор. Аммо шундай ҳолларга ҳам дуч келар эдикки, жойларда хусусий тадбиркорлик ривожига билиб-билмай, ноқонуний арашшишлар, улар фаолиятига тўқсинлик қилиш юз берар ёки ишбилармонларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйиларди. Бундай қонун бузилишлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга ер ва кредит ажратиш, махсулот етиштириш ва сотиш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажари-

лишига доир йўналишларда

кўплаб учраб эди. Адлия бошқармасининг ярим йиллик иш режасига кўра Чилонзор, Ҳамза ва Шайхонтоҳур туманларидаги назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўланилаётган маъмурий амалиёт ўрганиб чиқилганда тадбиркорларни асосиз маъмурий жавобгарликка тортиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс моддаларини нотў-

ғри қўллаш ва бошқа 111 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Чилонзор туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқилган 44 та маъмурий ишлар бўйича қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судига 44 та аризалар киритилди. Ёки Чилонзор, Ҳамза ва Шайхонтоҳур туманларидаги тижорат банкларида тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва хизмат кўрсатиш аҳоли ўрганиб чиқилганда жами 2143 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, ушбу қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисида тижорат банкларига 18 та тақдимнома киритилди.

атлантирилди, уларнинг манфаатини кўзлаб судларга 27 та даъво аризаси, 19 та тақдимнома ва 6 та оғоҳномалар киритилган. Шундан 109 та аризалар бўйича тадбиркорларга тушунтириш берилди, 23 та ариза текширилмоқда. Бошқарма томонидан тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида жами 58 та тақдимнома киритилган бўлса ушбуга асосан 40 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилган, 3 нафари лавозимидан бўшатирилган. Шунингдек, тадбиркорлар манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича ва ҳўжалик судларига жами 207 та жавоб-

гарга нисбатан 894.248.923 сўмлик 157 та даъво аризаси киритилган. Шундан ҳўжалик судига жами 887.299.605 сўмлик 18 та даъво аризаси киритилган бўлиб, 302.805.305 сўмлик 9 та даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Кези келганда айтиб ўтмоқчи эдимки, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ортиқча текшир-текшир, оврагарчилик, қимматли вақтнинг беҳуда сарфланишига барҳам берилиши тадбиркорга янада ишонч, илғор фикрлаш, эл-юрт рақибига

янада кўпроқ ҳисса қўиши, ташаббус кўрсатиб ишлашига туртки бўлди, десак янглишмаймиз.

Давлатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришда, бозорлиқ иқтисоднинг сифатли маҳсулотга сероб бўлишида тадбиркорларнинг муносиб ўрни бор экан, ҳар биримиз қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар уларни қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни рағбатлантиришни ишчимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз лозим ва зарур деб ҳисоблайман.

Козимжон КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи

ИШИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНСИН

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес субъектларини ривожлантириш мамлакатимизнинг иқтисодий тараққийотида, шу билан бирга, жамиятимизда ижтимоий-сиёсий янгиланишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан ҳам бу борада қабул қилинаётган Қонун, Фармон ва қарорларда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиздаги бог-роғлар, тоқзорлар, полизларда бу йил ҳам мева-чева мўл-кўл бўлди. Ноз-неъматлар бугунги кунда фақат юртимиз аҳолиси дастурхонини безабгина қолмай, хорижда ҳам жўнатилмоқда. «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ҳар куни минглаб тонна маҳсулот экспорт қилмоқда.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

— Компаниямиз таркибидаги қайта ишлаш корхоналари қуртилган, қадоқланган, консерваланган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қилапти, — дейди «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция бошқармаси бошлиғи Р.Алиев. — Жорий йилнинг етти ойи мобайнида четга қиймати 8 миллион 200 минг АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот жўнатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 150 фоиз кўпдир.

Юртимизда тайёрланаётган маҳсулотлар асосан Германия, Италия, Испания, Жанубий Корея, Малайзия, Афғонистон ва МДХ мамлакатларига жўнатиляпти. Хорижда томат паста-

си, хар хил шарбат, консерва маҳсулотлари, қуритилган мева, полиз ҳамда сабзавот маҳсулотларига талаб айниқса катта.

Шу боис компаниямизнинг экспорт имкониятлари йил сайин ортиб борапти. 1999 йили 1,8 миллион АҚШ доллар миқдоринда маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ўтган йил якунида бу кўрсаткич 14,5 миллион долларни ташкил этди. Бошқача айтганда, экспорт имкониятимиз саккиз баравар ортди.

Бундай юқори натижаларга эришишда компаниямиз таркибидаги хориж инвестицияси асосида ташкил этилган кўшма корхоналарнинг ҳиссаси катта. Ҳозир юртимизда «Тони-Грин» Ўзбекистон — Россия, «Тўрақў-

рғонширлик» Ўзбекистон — Голландия, «Агромир» Ўзбекистон — АҚШ каби ўттиздан ортиқ кўшма корхона самарали фаолият кўрсаталяпти.

Компаниямизда экспорт ҳажмининг янада кенгайтириш мақсадида соҳага хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Бу эса маҳсулотнинг жаҳон андозалари талабига мос келадиган даражага етказиш имкониятини беради. Айни вақтда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотларимиз хариди мониторингини ўрганиш, уларнинг рекламасини яхши йўлга қўйишга катта аҳамият қаратиляпти.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Иқтисодиёт

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА


Ҳозир мамлакатимизда ўзбек — чех қўшма корхоналаридан бир нечтаси ишлаб турибди. «Европе Фашион» деб номланган қўшма корхона фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган.

Тошкентдаги «Юлдуз» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда бунёд этилган бу тикувчилик корхонаси иш бошланганга икки йил бўлди. Бу ерда замонавий чех технологялари ўрнатилган бўлиб, кўплаб эркаклар костюмлари ва қўйлақлари ҳам тикиб чиқаришмоқда.

Чех фирмаси яна бир ташаббус билан чиқди. Самарқанд шаҳрида бунёд этиладиган ўзбек-чех қўшма корхонаси лойиҳаси яратилди. Янги корхона трикотаж буюмлари тайёрлаш билан шуғулланади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу ерда йилга 18 миллион донна трикотаж либослари тикиб чиқарилади.

Авар ВАЛИЕВ



Мустақиллик медалари

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодиёнлари арафасида Миробод туманининг қайси маҳалласига борманг, қай бир ҳудудда бўлманг қизгин таралдувнинг шохиди бўласиз. Умумий майдони 1700 гектардан зиёдни ташкил этувчи туманда истикомат қилаётган 121 мингдан ортик турли миллат вакилларидан иборат аҳоли бир эзгу мақсад — кутлуғ кунни ёруғ юз билан кутиб олиш эзгу ниятида яшамокда, меҳнат қилмоқда.

Равон йўллар, обод кўчалар, файзли маҳаллалар, замонавий турар жой бинолари, мухташам иморатлар туманга ўзгача кўрк ва чирой бағишламоқдаки, буларнинг барчаси Истиқлол шарофати ила амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг самарасидир. Кенг ва равон Нукус, Ўзбекистон шохкўчалари, «Миробод» дехкон бозори, Нукус ҳамда Шевченко кўчаларидаги, Госпиталь даҳасидаги замонавий кўп қаватли турар жой бинолари, Кичик Ҳалқа йўли, Темирийўлчилар маданият саройи, бир нечта коллеж бинолари, Тошкент Халқаро Вестминстр университети, жаҳон андозалари даражасидаги супермаркет ва



ҲАМИША ОБОД МИРОБОД

банк бинолари — ҳамма-ҳаммаси Миробод жамоли, туман ободлиги ва фаровонлигининг яққол намоишидир.

Пойтахтнинг ўзга хос остонаси саналмиш тумандаги Марказий темир йўл вокзалининг қиёфаси байрам арафасида тубдан ўзгариб, унинг ён-атрофидаги ҳудудларда амалга оширилган ободонлаштириш, қайта қуриш ва бу ерда транспорт воситалари қатнови учун яратилган қулайликлар, Марказий вокзалда автобуслар учун шохбека қурилиши, ўтиш кўприги, талаблар даражасида соябонлар ўрнатилиши, Темирийўлчилар маданият саройи ва музейининг ўзгача қиёфа касб этиши, бу ерда боғ барпо этиш ишларининг бошлаб ўзбоғилиши туманнинг янада яшнаб-яшаришидан далолатдир.


Туманда жойлашган 6 та олий ўқув юртлари сафи жорий йилда яна биттага кўпайиб, Мироншоҳ кўчасида М.Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институтининг янги қосҳонаси фойдаланишга топширилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижросини таъминлаш юзасидан 5 та касб-хунар коллежи ёшларни ўз бағрига олган. Янги ўқув йилидан бошлаб Боровский номли тиббиёт коллежи талабалари замонавий қайта қурилган бинода таҳсил олишади.

Туманда 21 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатиб, «2004-2005 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дасту-



ри» асосида ўтган йилларда 53, 175-мактаблар капитал ва 218-мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. Сihat-саломатлик йилида 5 та шифохона, 9 та поликлиника, 2 та туғруқхонанинг малакали шифокорлари аҳоли саломатлиги йўлида меҳнат қилишмоқда. Маънавият ва маърифат масканлари бўлмиш 8 та кутубхона китобхонлар талабига тўла жавоб беради.

Туманда 2005 йилнинг биринчи ярмида яли ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма нархларда 54 миллиард сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоизга кўпдир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 12328,1 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,1 фоизга ортган. Тадбиркорликка қаратилган эътибор боис ҳам кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар сафи ортиб, ҳозирда 3000 дан зиёдни ташкил этади. Уларнинг яли



маҳсулотдаги улуши салмоқли бўлмоқда.

Айниқса, «Ўзэлектроаппарат», «Фотон», «Ўзкимёфарм» акциядорлик жамиятлари, «Ўзтемирийўлмаштаъмир» унитар корхонаси, «Билдинг технолоджи» қўшма корхонаси, «Холос», «Акватех» масъулияти чекланган жамиятларининг фаолияти туман иқтисодиёти ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилган туманда кам таъминланган, 2 ёшгача ва 18 ёшгача фарзанди бор ёрдамга муҳтож оилаларга биринчи ярим йилликда 78 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди, байрамлар муносабати билан 26 миллион 250 минг сўмлик хайрия ёрдамлари берилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳамиша обод Мирободда шодиёна кайфият ҳар бир хонадонга кириб боради, А.Навоий номли театр майдони ва Фуркат номли маданият ва истироҳат боғида ўтказиладиган байрам тадбирларида кексаю ёшга кўтаринки кайфият улашиш режаланган.

Шарифа ИЛЁСОВА

Таълим

ЯНГИ КАФЕДРАЛАР

Тошкент Ахборот технологиялари университетиде ҳозир бир нечта кафедра ва ўқув лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда уларнинг сони бир нечтага ортди.

Электрон тижорат кафедрасининг ташкил этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. Эндиликда у муҳим электрон таълим маркази янглиг иш олиб бормоқда.

Янги ўқув йилида олий ўқув юртида Ахборот ҳавфсизлиги кафедраси ўз фаолиятини бошлади. Бу янги кафедранинг йўлга қўйиш мақсадида қатор муҳим техник тадбирлар кўрилмоқда.

МУКАММАЛ ДАРСЛИК

Янги ўқув йили олдин республикамиз нашриётлари қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этмоқда. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ҳам бундай хайри ишга яқиндан бош қўшмоқда.

«Зоология» деб номланган дарслик ҳам нашриётнинг янги ўқув йилига совғаси бўлди. Умумтаълим мактабларининг 7-синфлари учун ёзилган бу ўқув адабиёти замонавий таълим андозалари талаблари асосида босмага тайёрланди.

Унда шартли белгилар асосида «Эслаб қолинг», «Билимингизни сынаб кўринг», «Жуфтлаб ёзинг» сингари топшириқлар ҳам берилган. Илова қилинган рангли расмлар орқали эса ҳайвонларнинг солиштирма ўлчамини билиб олиш мумкин.



ҲАМКОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИХА

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежида ёш мутахассисларни тайёрлашда таълимда орттирилаётган хорижий тажрибалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Телекоммуникация йўналишидаги ўқув лойиҳалари ҳам қўл келмоқда.

Британия Кенгаши билан ҳамкорликда юзага келган лойиҳадан фойдаланиш тадбирлари кўрилди. Ўқув даргоҳлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликка қаратилган бу янги лойиҳа телекоммуникацион таълимий жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Айни вақтда бу лойиҳа ўқитиш дастурларини такомиллаштириш, ўқув амалиётини қўллашда ҳам ўз ижобий натижасини беради.

Ақбар АЛИЕВ



Ўқув масканларида

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС

Мамлакатимизнинг асосий устувор вазифаларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, уларга етарлича таълим-тарбия беришдан иборатдир. Шу нури мақсад йўлида юртимизда кўплаб замонавий андозалар талабларига жавоб берувчи ўқув масканлари қад ростламоқда, маъжудлари таъмирланмоқда. Уларда ёшларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Тошкент маданият коллежи ҳам бугунги кунда замонавий усулда таъмирланиб талабаларнинг ўқишлари, билим савияларини оширишлари йўлида хизмат қилаётти.

— Ўқув масканимиз ўзининг бой тарихига эга, маданият, санъат соҳасига йўналтирилган боис ҳам аниқгина салмоқли юки ўзи елкасида ушлаб турибди, — дейди Тошкент маданият коллежи директори Илхом Дехқонов. — Негаки, бу даргоҳ аниқгина машҳур инсонларни етказиб берди. Санъат, бу — инсон учун маънавий озик манбаи. У ҳаммиса инсонларга эзгулик бахшида этиб, энг гўзал, нафис хис-туйғуларни инъом этади. Яшашга иштиёқ уйғотиб, борлиққа мунавварлик бахшида қилади. Санъатга ошuftа диллар эса, ҳеч қачон ёмонлик ботқоғига ботмайди, разолат чангалига тушмайди. Кин, адоват каби беъмаъни туйғулар уларнинг қалбларига яқин йўлловчи. Мен мана шундай маданият даргоҳида ишлаётганимдан, ёшларга маданият, санъат деб аталмиш илм нурини таратиш ишларида қатнашаётганимдан фахрланаман.

Дарҳақиқат, қаердаки раҳбар изланувчан, қатъиятли ва илмли бўлса, ўша ерда ҳам унум, ҳам барака, ҳам баҳамжиятлик асосийси эса интилиш ва кизгин меҳнат ҳукм суради.

Илхом Дехқонов Ўзбекистон Давлат консерваториясини имтиёзли диплом билан тугатганидан сўнг дастлабки иш фаолиятини шу ерда бошлаган. Аввал ўқитувчи, сўнгра ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари вазифаларида фаолият юритган ёш ходим, Маданият ва спорт ишлари вазирлигида ўқув юртлар бошқармасининг бошлиғи вазифасида ҳам ишлади. 2002 йилдан бошлаб эса Тошкент Маданият коллежида директор лавозимига ишга тайинланди. У давтавал ишни ўқув юрти биносини, хоналарни таъмирлашдан бошлади. Хоналарни замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозлаш ишларида алоҳида аҳамият билан қаради. Натижада коллеж бутунлай янгича қиёфа кашф этади.

Чароғон ва нурафшон, жаҳон андозаларига мос қилиб таъмирланган хоналарда талабалар хушнуд ҳолда сабоқ олиш имкониятларига эга бўлдилар, компьютер хоналари ташкил қилинди.

Тошкент маданият коллежида анъанавий ижрочилик, фольклор санъати, ўзбек халқ чолғу ижрочилиғи, кутубхона-шунослик, рассомчилик, миллий ракс, театр актёри каби 9 йўналишда мутахассислар тайёрланади. Бу масканда 9-синфни тугатганлар 3 йил, 11-синфни тугатганлар шартнома асосида 2 йил таҳсил олишади. Бугунги кунда ўқув юртида 300 дан ортиқ ходим меҳнат қилиб, шундан 250 нафарини профессор-ўқитувчилар ташкил қилади. Айниқса, анъанавий ижрочилик кафедраси мудири Ғаниҷура Ваҳобов, оммавий режиссура кафедраси мудири Азиз Дадаев, тил ва адабиёт кафедрасидан Табассум Мўминова, миллий чолғу кафедраси ўқитувчиси Абдусалом Муталов, шунингдек Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова, Ҳадия Юсупова, Гулшод Отабоева сингари жонқуяр устозлар талабаларнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларини мустаҳкамлашга муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар.

Биз санъатга ошuftа бўлиш ниятида маданият коллежида ўқишни орзу этган бўлажак талабаларга омад тилаш борабарига, заҳматқаш устозларга ҳам билим беришдек масъуляти ишларида зафар ёр бўлишини тилаймиз.



носиб улушларини қўшиб келмоқдалар. Биз санъатга ошuftа бўлиш ниятида маданият коллежида ўқишни орзу этган бўлажак талабаларга омад тилаш борабарига, заҳматқаш устозларга ҳам билим беришдек масъуляти ишларида зафар ёр бўлишини тилаймиз. Гулҷеҳра ДУРДИЕВА

Назъм бўстониди

ОНА ШАҲРИМ

Шаҳрим, кездим кўчаларингни

Сўлим-сўлим гўшаларингни, Севдим ойдин кечаларингни, Юрагимда газалсан

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан Тошкент.

Нақшикордир қошоналаринг,

Юрагимда газалсан

Тошкент,

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Қадимийсан, гўзалсан

Тошкент.

Сўлим гўшаларингиз




КЎНГИЛЛИ ДАМ ОЛАСИЗ

Мустақиллик йилларида серкўёш, саховатли ўлкамиз йилдан йилга чирой очиб яшнаб-яшармоқда. Айниқса ёзнинг иссиқ кунларида шаҳримиздаги маъжуд боғ ва хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғларига қадам ранжида қилсангиз, сўлим, хушманзара, ям-яшил даррахтор кўйидаги зилот ва шаффоф сув ҳавзаларию биллур томчиларини сачратиб турган фавворалар баҳри дилингни очади ва маъза қилиб хордиқ чиқарасиз.

Шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳам ана шундай обод ва кўркам гўшалардан бўлиб, каттаю кичкиннинг сеvimли дам олиш масканига айланган. Боғ 1934 йилда ташкил қилинган бўлиб, Мустақилликдан сўнг «Боғи Эрам» номи билан атала бошлади. 2003 йилда эса Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ боққа Мирзо Улуғбек номи берилди. Боғнинг умумий майдони 14,26 гектар бўлиб, турли хил манзарали даррахлар, гуллар, болалар учун 3 та чўмилиш ҳавзаси, кинотеатр, соғломлаштириш спорт мажмуаси, футбол майдони, шахмат, теннис, волейбол, баскетбол майдонлари маъжуд. 1999 йил боғ замон талаблари асосида қайта таъмирланди.

— Жорий йилда ҳамшаҳарларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун режа асосида иш олиб бормоқдамиз. — Айни кунда боғда «Оролча», «Фараон» қаҳвахоналари, «Аристон» ресторани ҳамда болалар учун турли хил аттракционлар дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи раҳбари Роман Аветисов. — Шунингдек, кичкинтойларга мослаб қурилган чўмилиш ҳавзаси, уйин майдончалари, ҳаво шарлари каби 20 дан ортиқ ҳар хил аттракционларда болалар кувнаб ўйнашмоқда. Хар шанба ва яшанба кунлари иш режамизга мувофиқ боғ саҳнасида ҳамшаҳарларимизнинг мароқли дам олишлари учун «Гулшан», «Феруза», «Юлдуз» ва боғ қошидаги «Ҳавас» бадий ҳаваскорлик гуруҳлари ўз концерт дастурларини намойиш этадилар. Бундан ташқари бу ерда ракс ва аския кечалари, цирк томошалари, таниқли санъаткорлар иштирокида турли хил байрам тадбирлари мунтазам ўтказилади. Байрам тадбирларида боғ маъмурияти томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оила фарзандларига, ногиронларга аттракционларга бепул таклифномалар тарқатилади.

— Бу йил мавсум бошиданок аттракционларнинг барчаси капитал таъмирдан чиқарилди. Болалар учун янги ҳаво шарларида сакраш, болалар паровози ишга тушиди, — дея сўхбатга қўшилди боғ раҳбарининг ўринбосари Ато Умуров. — Бу йил Мустақиллигимиз байрамига боғ саҳнаси қайта таъмирланиб кино-театр томошалари учун мослаштирилди. Шу билан бирга боғда қираверибди сеvги-муҳаббат, тинчлик рамзи сифатида иккита катта оқуш хайкали ўрнатилди. Айни кунларда Энг улуг, Энг азиз байрамимиз Мустақиллик байрами шодиёналарига кизгин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ободончилик ишлари авжида. Боғдаги даррахларга шакл берилиб, йўлак четигада бетонлар оқланмоқда. Ҳаюмторларимизнинг кўнгилли ва мазмунли дам олишлари учун боғда ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Дам олувчилар учун боғ



ГУЛ ШАЙДОСИ

Олимплар шаҳарчаси, Олимплар маҳалласида яшовчи Умриниса ая Турғунованинг гул етиштириш соҳасида тажрибаси кўпчилиги яқин атрофдагилар яқин билишади. Зеро, кўчадан шундоққина кўриниб турган, кўп қаватли уйининг айвонидаги жажжи гулбоғни кўриб, мафтун бўлмай қолмайси. У ердаги юзга яқин ҳар хил тувақда бўй чўзиб, барг чиқариб, гунча ёзаётган гулларни кўриб ҳавасингиз келади.

— Бунинг ҳеч ҳайрон бўладиган, ажабланидиган ери йўқ, — дейди ўз тажрибалари билан ўртоқлашар экан Умриниса ая. — Ҳамма гап қилаётган ишингизга нечоғлик иштиёқ билан ёндошишингизда. Чиройли ва хушбўй гулларни шунчаки ҳавасга экиб бўлмайди. Гул ҳам асли биз тирик инсон каби нозик. Бу ерда «дом»дагилар ҳам гул экишни, айвонларини чиройли гуллар билан безатиш хохлайдилар, аммо уларни парвариши учун керак бўладиган ўғитлар билан тўйинтириш ҳақида ўйлашмайди. Гул ўстириш учун биринчи галда минерал ўғит, озгина кўк, кейин-шоҳ-шабба кули каби чириндилар керак бўлади, ҳолос. Сўнгра ўз вақтида сув қўйиб туриш лозим. Яна қайси гул қанчадан сув ичади, қанча сувсизликка чидайди, қанча хароратда яшайди, буларни тўла ҳисобга олиш керак. Она фарзандларининг инжиқликлари, шўхликларини қанчалик билса, бу борада ҳам шундай билимга эга бўлиши керак. Баъзан кўшиларим гулларини кўриб: «Нега сизнинг гулларингизнинг япроқлари катта-каттаю, бизники эса калта ва нимжон?» деб сўрашади. Ҳамма гап парваришда, дейман уларга. Кўрдингизми, одамлар бу

гўзал неъматлар қаердан пайдо бўлаётганини билишмайди. Булар инсоннинг меҳр-муруввати, раҳм-шафқати гўзалликка ошuftалиғи меваси. Гуллар гагиради дейишади. Авваллари мейрон бўлардим. Кейинчалик гулчилик илмини мендан ҳам яқши биладиган танишларимдан сўраганимда улар бунни тасдиқлашди. Кейин улар айтганидек, бир гулнинг (номини айтмайман) олдига ҳар сафар сув куттариб борсам, япроқларини титратгандек қилиб, силкитиб-силкитиб қўяди. Сув қўйиб бўлганимдан кейин эса, яна бир марта титранади. Узимча бу ҳолни миннатдорлик белгиси деб тушунаман. Хуллас, гул бор жойда тинчлик, ахиллик, бахтиёрлик, гўзаллик бор. Муҳим, хотиржамлик бор. Биз учун ҳам бугунги кунда энг керакли нарса, бу хотиржамликдир.

Зоҳид ЗИЯЕВ

Шаҳримиз тарихини ёрғанамиз

ҚАФФОЛ ШОШИЙ МАҚБАРАСИ — ТАБАРРУК ҚАДАМЖО


Қафқол Шоший мақбараси (Зарқайнар кўчаси, 123) археология ёдгорлиғи Тошкентнинг энг кўҳна ва муқаддас жойларидан бирида жойлашган бўлиб, халқ ўртасида Ҳастимом деб аталади. Бу табаррук жой Қафқол Шошийга тааллуқлидир.

Тошкент ва ундан шимолдаги юртларда имом даражасига, айлиқса, Ҳазрати Имом диний мартабасига етган оли елган Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал Қафқол аш-Шоший мелодий 904 йилда Шошда (Тошкентда) таваллуд топган. Ул зот дастлабки таълимни ўз юртида олиб, кейин муслмон дунёси бўйлаб сайф қилган, энг машҳур олимларга шоғирд тушиб илм ўрганган. Қуръони карим, ҳадис ва шарият илми, араб тилшунослиғи бўйича билимдон бўлган. Ватанга қайтган, асосан Тошкентда яшаб, ислом динининг тарғиботи билан шуғулланган. Қафқол Шоший «Адаб-ул Қози» (Қози одоби), «Одоби-ул Бахс» каби асарларнинг муаллифи ҳамдир. Шунингдек араб олими ибн Хали-

қонинг ёзишчи, «Хусни жадал» (Диалектика хусни) деган асар ёзган ҳам Қафқол Шоший эди. Араб тарихчиси ва географ Абул Фидо (1273-1331)нинг ёзишчи Қафқол Шоший ўз замонасининг етуқ олимларидан бўлиб, Туркистон мамлакатига унга тенг келадиган аллома бўлмаган. Шунинг учун ҳам халқ уни Ҳазрати Имом-Ҳастимом деб улуғлаган. Яна эътиборли жиҳатларидан бири шулки, Ҳазрати Имом хўнрандлар оиласида дунёга келган бўлиб, унинг ўзи ҳам кўлфосликда шўҳрат қозонган. «Қафқол» — кўлфос сўз дегани (арабча «қулф») — бизнинг тилимизга ўтиб «қулф» шаклида талаффуз этилган. Қафқол Шоший мелодий 976-йил Тошкентда вафот этган. Ҳозир Тошкент шаҳар бўлими раиси

Абдулазиз МУҲАММАДҚАРИМОВ, «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси

ШАҲРИМ ФАҲРИМ



МАҲАЛЛАЛАРДА ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН МАСКАН

Учтепа туманидаги Кўркам-обод номидаги маҳалла ҳудудидаги Раҳимбобоев кўчасига кираверибди фусункор, бир кўркам бино қад ростлаб атрофга улғуворлик бағш этиб турибди. Бино ҳовлисидаги ранг-баранг гулларнинг анвоий ифори дилингни яншатиб, кўрган кўзларни қувнайти буюради. «Исроил хожи ота» номи билан аталувчи маъжур маскан бугун элу-юрт хизматига, кечая-кундуз одамлар билан гаўжум.

— Биз халқимизнинг хизматидаги одамларимиз, — дейди хусусий корхона раҳбари Иброҳим Акбаров. — Аслида фирмамиз «Исмоилжон ота» номи билан юритилади. Чунки бобомнинг исми Исмоил бўлган. Биз бу масканни отамиз хотирасини шод этиши, эзгу-ниятларини амалга ошириш мақсадида очганмиз. Аслида бу ер ташландиқ хараба бир жой эди. Мана ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, чаманзор-хушманзара сурибсиз гўшага айлантирдик. 200 кишига мўлжалланган тўйхонамизда ҳар кун тўй-маъра-

Маҳаллаларда Чирой очаётган маскан. Учтепа туманидаги Кўркам-обод номидаги маҳалла ҳудудидаги Раҳимбобоев кўчасига кираверибди фусункор, бир кўркам бино қад ростлаб атрофга улғуворлик бағш этиб турибди. Бино ҳовлисидаги ранг-баранг гулларнинг анвоий ифори дилингни яншатиб, кўрган кўзларни қувнайти буюради. «Исроил хожи ота» номи билан аталувчи маъжур маскан бугун элу-юрт хизматига, кечая-кундуз одамлар билан гаўжум. Учтепа туманидаги Кўркам-обод номидаги маҳалла ҳудудидаги Раҳимбобоев кўчасига кираверибди фусункор, бир кўркам бино қад ростлаб атрофга улғуворлик бағш этиб турибди. Бино ҳовлисидаги ранг-баранг гулларнинг анвоий ифори дилингни яншатиб, кўрган кўзларни қувнайти буюради. «Исроил хожи ота» номи билан аталувчи маъжур маскан бугун элу-юрт хизматига, кечая-кундуз одамлар билан гаўжум.

Гулнигор САТТОРОВА

Гулнигор САТТОРОВА

Наталья Семёнова олган суратлар.

ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАРГА МУВОФИҚ

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан ташқи савдо фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига кириши учун “Техник бошқарув тўғрисида”, “Техник бошқарув соҳасида меъёрий-ҳуқуқий актлар талабларига мувофиқлик баҳоси тўғрисида”ги қонунларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

“Ўзстандарт” агентлиги бошқарув бошлиги А.Йўлдошовнинг сўзларига қараганда, мувофиқлик баҳоси бўйича қонунчилик ва амалий ҳаракатнинг уйғунлашуви истиқболда мувофиқлик белгиси ва ягона қоидаларга асосланган сертификациялашнинг минтакавий тизимини яратишга имкон беради. Бу эса халқаро бозорларда товарларнинг жадал ҳаракатланишидаги тўсиқларни бартараф қилиш имконини беради. Шунингдек, бу Европа Иттифоқида жорий этилган Европа бозорларига товарлар киритиш учун

зарур шарт сифатида маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш бўйича мажбурий талабларга мос келади.

Шу мақсадда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ривожланаётган бизнес муҳит эҳтиёжларидан келиб чиқиб, республикада янги лабораториялар ташкил этиш ва аккредитация соҳасини кенгайтириш имкониятини ўрганиш учун синов лабораториялари мониторинги ўтказилди.

Мониторинг давомида синов ва сертификациялаш минтакавий марказлари билан биргаликда энг замонавий техникалар

ўрнатиладиган янги лабораторияларни ташкил этиш режаси ишлаб чиқилди. Бу аризаларга сертификациялаш бўйича идора танлаш имконини беради ва рақобат муҳити ривожига тўртки бўлади.

2005 йилда шу мақсадда “Ўзстандарт” агентлиги синов лабораториялари учун 2,5 миллиард сўмлик ўлчов воситалари ва ускуналари сотиб олинади. Бу 2004 йилга нисбатан 37,9 фоиз кўп демакдир.

Хозирнинг ўзида тезкор таҳлиллар учун 24 миллион сўмлик жиҳозлар харид қилинди. Бу эса юртимиз товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини синовдан ўтказиш вақтини қисқартиради.

Маҳсулотларни сертификациялаш бўйича 76 индорлар томонидан жорий йилда 36 мингдан ортиқ сертификатлар берилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 12 фоиз кўп демакдир.

“Туркистон-пресс”

ДУНЁ ШАҲАРЛАРИ

Бомбей - Хиндистоннинг энг ривожланган шаҳарларидан бири. Уни «кички пойтахт» деб ҳам аташади. Баязи фиркаларга кўра, шаҳар номи маъбуда Мумбадева шарафига шундай номланган. Яна бир тахминга кўра, «бомбей» португалча «Боя Бойя» сўзидан олинган бўлиб, бу «яши кўрфаз» деган маънони билдиради. (Португаллар бу ерларга XVII асрда келган эдилар).

Бомбей Махараштра штатининг маъмурий маркази ҳисобланади, Унинг аҳолиси 15 миллиондан ортиқ. 2015 йилга бориб бу кўрсаткич 27,4 миллионга етиши кутилмоқда. Шаҳар Хиндистоннинг йирик порти бўлиши билан бирга савдо, сановат ва моливий маркази ҳамдир. Кўпгина бирлашмалар, транснационал корпорацияларнинг штаб-квартиралари Бомбейда жойлашган. Шунингдек, мамлакатнинг марказий банки — Хиндистон Резерв Банки ҳам шу ерда фаолият кўрсатади. Махараштра штатида ишлаб чиқариладиган сановат маҳсулотларининг ярми Бомбейга тўғри келади. Тўқимачилик, кимё, нефтни қайта ишлаш, дори-дармон сановати ривожланган соҳалардан.

Бомбей мамлакатнинг илмий марказидир, бир нечта олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот марказлари бор. Шулар жумласидан, Бомбей университети, Технология институти, Ядро тадқиқотлари марказини айтиш мумкин. Шаҳарнинг жанубий қисмида баланд-баланд бинолар — компаниялар офислари, хашамдор меҳмонхоналар ва турар-жойлар қад ростлаган, Жанубий қисмининг иккинчи номи «Хинд Манхэттен»дир.

Бомбей аҳолисининг кўпчилигини маратхалар ташкил этади. Улар маратх тилида сўзлашади ва шаҳарни Мумбаи деб аташади. Бирок, иш тили инглизча ҳисобланади. Шаҳарда мустақлақ даврида қурилган иншоотлар яхши сақланган.

Малабар тепалиги яқинида Сукот минораси бор. Бу ерда қадимги эронликларнинг авлодлари расм-русумларини бажо келтиришади. Улар оташпарастликка сиғинишда ва сув, олов, ерни муқаддас ҳисоблашади.

Аҳоли орасида Чор бозор анча машҳур. Бу ерда ўғирлаб келтирилган нарсалар билан савдо қилинади. Зеро, «чори» ўғри деган маънони билдирар экан. Кроуфорд бозори шаҳар марказида жойлашган. Инглиз ёзувчиси Редярд Киплинг болалигида энгагаси билан шу ерларда кезишни ёқтирган. Унинг отаси яқин ўртадаги бадий мактабда ҳайкалтарошлиқдан дарс берган. Киплинг Хиндистон ҳақида кўпball қиссалар ва ҳикоялар ёзган.

Санта-Круз аэропортининг шимолида Кришнагири упанван номли Миллий парк жойлашган. Бомбейликлар бу ерда дам олишни жуда ёқтиришади. Паркда шаҳарни сув билан таъминлайдиган Тулси, Повари ва Вихар кўллари бор. Миллий паркиннг қоқ марказидаги тепалик Канхери горлари билан машҳур. Форлар жами 109 та бўлиб, эрамиздан олдинги II-IX асрларда будда динига эътиқод қилувчилар томонидан барпо этилган.



Эз — қўлмоқда соз!

УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРАДИ

Айни кунларда болажонлар ёзги таътил кунларининг охириг ойини оромгоҳларда мазза қилиб дам олиб ўтказмоқдалар.

Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, маънавий-маърифий дунёқарашларини кенгайтириш, интеллектуал салоҳиятларини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида бир қатор тadbирлар ўтказилиб келинмоқда.

Кунни кеча ана шундай тadbирлардан бири «Ўзбеккабель» давлат акциядорлик бирлашмасига қарашли «Зилола» соғломлаштириш оромгоҳида бўлиб ўтди. «Камолот» ЁИХ Сергели туман

бўлими Кенгаши томонидан, туман «WORLD WISION» ишонч пункти ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ушбу учрашувда оромгоҳда дам олаётган 300 нафардан ортиқ болажонлар қатнашишди.

Тadbирда катта гуруҳдаги ўсмирлар учун «WORLD WISION» ишонч пункти томонидан «Гибсандлик ва ОИТСнинг салбий оқибатлари, инсон иммунотанқислиги вирусининг келиб чиқиши

ҳамда ундан сақланиш йўллари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбат якунида иштирокчиларга тарқатма материаллар берилди. Ўрта ёшдаги ўсмир қизлар учун «Зулфияхоним қизлари» давра суҳбатида тумандаги «Зулфияхоним излошлари» лидер қизлар клуби аъзолари томонидан танишув, шеър, қўшиқлар танлови ҳамда «Ўйлаб топ» кўрик-танлови, «Қиз бола билан ўғил бола дўст бўла оладими?» мавзусида баҳс ташкил этилди.

Шу билан бирга оромгоҳ-

даги кичик гуруҳдаги ёшлар ўртасида «Кувноқ стартлар» спорт мусобақалари ўтказилди. Кечки пайт оромгоҳдаги барча дам олаётган ёшлар учун «Зявқ» гуруҳи томонидан ижро этилган дилбар қўшиқ ва рақслар барчани даврага қорлаб ўзгача жозиб бахш этди.

— Тadbир сўнггида кўрик-танлов ва мусобақаларда фаол қатнашган ёшларга эълоқ совғалари ва фахрий ёрликлар топширдик, — дейди туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчехра Жаъфарова. — Ўйлаймизки, барча дам олувчи ёшларга маъқул бўлган ушбу тadbир узоқ вақт ёлларида қолади.

Дилфуза ЖАЛОЛОВА,
Азиза МУҲАМЕДОВА,
СУРАТЛАРДА: «Зилола» оромгоҳида бўлиб ўтган тadbирдан лавҳалар.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Гюго Римга бораётган эди. Хотини унинг жомадонида бир шиша коньякни ўраб солар экан деди:

— Бунни Римга етиб бorganингда ичасан. Шундай қиламан деб менга сўз бер.

— Албатта сўз бераман, жонгинам, — деди Гюго.

— Сенга ишонаман-а, — деди хотини секингина.

У вагон деразасидан хотиница сўнгги бор қўл силқитар экан, ўғирлиб жомадонга ёпишди. Қоғозга ўралган коньякни олиб, стол устига қўяр экан, кўзи кичик бир хатчага тушди. Очиб ўқиса, унда шундай сўзлар ёзилган: «Эх, Гюго, Гюго, сен менга беш даққа олдин нима деб ваъда берганинг? Ҳозир сен қаердасану, Рим қаерда?»

Санъат

ЁШ МАҚОМЧИЛАР СИНОВДАН ЎТИШАДИ

Ўзбек халқининг маданий мероси «Шашмақом» ўтган йили ЮНЕСКО нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида жаҳон маданий меросининг беназир дурдоналари рўйхатидан жой олган эди.

Мақомчилик санъатининг ушбу йўналишини тиклаш, авлоддан-авлодга етказиш, ёш санъаткорларни «Шашмақом» йўналишида ўз маҳоратларини синов қўришларига имкон яратиш мақсадида ЮНЕСКО томонидан грант маблағи ҳам

ажратилди. Айни кунларда Тошкент шаҳри, Бухоро, Хоразм ва Фарғона вилоятларида ёш мақомчилар устозлар ёрдамида мақом йўналишини пухта ўрганишга имтинмоқдалар.

Шуниси эътиборлики, 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида анъанавий тарзда ташкил этиладиган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида ёш мақомчилар ҳам қатнашиб бу йўналишда тўплаган билим ва тажрибаларини намойиш этадилар.

Танловлар

МЕНИНГ ЖОНАЖОН ЎЛКАМ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази томонидан ташкил этилган «Менинг жонажон ўлкам» танловида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 60 нафар иштирокчи ҳамда Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази таркибидagi тўгарак аъзолари иштирок этишди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги ҳамда Сиҳат-саломатлик йилига бағишлаб уюштирилган ушбу тadbир Бўстонлик туманидаги «Ёш ўлкашунос» тоғ сайёҳлик базасида ўтказилди. Уч кунлик мусобақа давомида иштирокчилар сайёҳлик кўникмалари бўйича тўплаган билимларини синовдан ўтказдилар.

Хусусан, қодир ўрнатиш, йиғиш, осма кўприкдан ўтиш, беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, гулхан ёқиш бўйича танлов иштирокчиларининг чиқишлари мутахассислар таҳсинига сазовор бўлди. Танлов гоилиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбахор соврин ва муқофотлар билан тақдирландилар.

Шунингдек, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Маркази таркибидagi тўгарак аъзоларининг ижодий ишлари, ўзбек халқининг бой маданий, тарихий мероси, табиий бойликларидан тўплаган намуналар кўргазмаси ташкил этилди.

Дилором ДЎСМУҲАМЕДОВА

Спорт

Учинчи ўрин билан КИФОЯЛАНИШДИ

Франциянинг Бельф шаҳрида шахмат бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақалари поёнига етди.

Шахматнинг жаҳонда нақадар оммалашганидан ва энг қизиқарли спорт турлари қаторига киришидан чемпионатда 96 мамлакат вакиллари иштирок этгани яққол далолатдир.

Ушбу нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ўн нафар ёшлар ҳимоя қилган бўлса, энг юқори натижага 16 ёшли қизлар ўртасидаги баҳсларда иштирок этган Юлдуз Ҳамроқулова эришди. У 11 имкониятдан 8,5 очко тўплагани ҳолда учинчи ўринни эгаллаб, бронза нишонини қўлга киритди.

10 ёшгача болалар ўртасида дона сурган яна бир ҳамюртимиз Жаҳонгир Ҳамроқулов жамғарган 8 очко эса унга еттинчи ўрин билан кифояланиш учун имкон яратди.

НУФУЗЛИ МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шахримиздаги «Саёҳат» меҳмонхонасида икки кундан буён армрестлинг бўйича Осиё чемпионати баҳслари давом этмоқда.

Тўртинчи бор ташкил этилаётган қизиқарли мусобақаларда Япония, Қозоғистон, Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Ироқ, Саудия Арабистони, Қирғизистон, Тожикистон каби қитъа мамлакатларининг икки юз элликлдан ортиқ энг кучли вакиллари ғалаба учун кураш олиб бормоқда.

Ўйлаймизки, И.Аҳмедов, Ю.Қодиров каби етакчи армрестлинг усталаримизнинг чемпионат баҳсларида яна бир карра зафар кучишлари учун барча имкониятлар етарли.

(Ўз муҳбиримиз)

Хотира қайғонса қўзғалдиқ

«ПАХТАКОР-79» ЁДИ ДИЛЛАРДА МАНГУ

1979 йилнинг 11 августи ўзбек футбол мухлисларининг ёдидан кўтарилмайди. Чунки шу куни миллионлаб ишқибозлар қалбини ларзага солиб севимли жамоамиз «Пахтакор» аъзолари самога сочилган юлдузлар мисоли авиаҳалокатга учрашди.

Ҳаётдан бевақт кўз юмган «Пахтакор» футбол клубининг ўн етти нафар аъзолари, мураббий — Идгай Тазетдинов, футболчилар — Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Олим Аширов, Александр Карчёнов, Сергей Покатилов, Равил Ағишев, Николаи Куликов, Юрий Загуменних, Владимир Макаров, Константин Баканов, Виктор Чуркин, Шухрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Си-

рождиддин Бозоров, шифокор — Владимир Чумаков, маъмур — Мансур Толибжоновларнинг хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

Моҳир ҳужумчи Владимир Федоровнинг шиддатли ҳужумлари ярим ҳимоячи Михаил Аннинг диспетчерлик салоҳияти туйғайли «Пахтакор—79» жамоасининг энг кучли клублар устидан қозongan ёрқин ғалабала-

ри ҳамон ёдимизда.


Само юлдузлари «Пахтакор—79» жамоаси аъзоларини хотирлар эканмииз, ҳамон ўзбек футбол шундай юқори маҳоратли чарм тўп усталарига эҳтиёж сезаётганини тан олмай иложимиз йўқ. Агар бу йигитлар ҳаёт бўлганларида ҳозирда футболимиз янада юксалган, улар мураббийлиги остидаги жамоалар эса ажойиб ўйинлари билан мухлислар қалбига қувончи онларни ҳада этган бўлардилар. Балки, Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этишдек азалий орзу-си аллақачон амалга ошган бўларди.

«Пахтакор—79» жамоаси аъзоларининг ҳаётдан фожиали кўз юмганига 26 йил бўлибди, ҳамон улар биз учун орамиздан кетмагандек туюлаверади. Ва «Пахтакор-79» аъзоларини ёдга олиб, рўҳингиз шод бўлсин деймииз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Спорт

СОВРИНЛАРИ КЎП, ОРЗУЛАРИ БИСЁР ЙИГИТ



мизни мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди.

Асосий беллашувда қозоғистонлик теннисчилар - А.Биков ҳамда М.Филиповга қарши қорға тикиди. Уйин анча кескин ва муросасиз бўлди. Биринчи сетда 6:7 ҳисобида рақиб теннис-

чиларнинг қўли баланд келди. Кейинги икки сетни 7:6, 6:4 ҳисобида ўз фойдамизга ал қилиб, бош совринни қўлга киритди.

Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлган халқаро турнирда эса яккалик ва жуфтлик

беллашувларида иккинчи погонани эгалладим. Мен камтарона бу ғалабаларимни Мустанқилгимизнинг 14 йиллигига бағишлайман. Ниятим, келажақда теннис оламидаги энг нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, юртимиз байрогини сарбаланд этишдир.

Совриндор Булиш Важа Узоқов учун янгилик эмас. 2005 йили Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлган умидли теннисчи ўз фаолияти давомида мамлакатимизнинг турли вилоятларида ўтказилган мусобақаларда, Россия, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистонда ташкил этилган халқаро турнирларда ҳам голиб чиққан. Айни пайтда Важа Узоқов 13 август куни Самарқанд шаҳрида бошланғичлар Челленжер мусобақаларига тайёргарлик қурмоқда. Шунингдек, у Бухорода бўладиган халқаро турнир ва Тошкент шаҳри мезбонлик қиладиган Осиё кубоғида ҳам қатнашиш ниятида.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, ЎЗА мухбири

ЕВРООСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мамлакатимизда Шарқ якка кураш спортига бўлган қизиқиш ва эътибор доимо юқори даражада бўлган. Жумладан Республика анъанавий «Қаратё-до» федерацияси ташкил топганига ҳали унча кўп вақт бўлмаган бўлсада, улар томонидан турли даражадаги нуфузли мусобақалар юқори савияда ўтказилиб келинмоқда.

Буни пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон очиқ чемпионати мисолида ҳам кўриш мумкин. Чемпионатда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган ўн икки ёшдан ўн етти ёшгача бўлган қиз ва йигитлар иштирок этишди. Эслатиб ўтиш жоизки, турнир совриндорлари вазн тоифасига қараб эмас ёш жиҳатидан аниқланди. Шундай қилиб жамоалараро ўтказилган баҳсларда Фаргона вилояти жамоаси барча рақибларини мағлубиятга учратган ҳолда мусобақа голибига айланди ҳамда кубокни қўлга киритди. 12-13 ёшгача бўлган болалар мусобақаларида Муҳриддин Каримов, 14-15 ёшда Санжар Иброҳимов, Мафтуна Бобоева ҳамда 16-17 ёш тоифасида Зилола Бобоева ва Фирдавс Қаҳқоровлар шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Эндиликда голибликни қўлга киритган спортчилар Туркманистон пойтахти Ашхободда ўтказиладиган Евросиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ВЕНГРИЯДАГИ ҒАЛАБА

Венгрияда эштак эшиш спорт тури бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати юртимиз спортчилари учун муваффақиятли яқунланди.

Вакилларимиздан Серик Мербеков, Вадим Микинов, Мерең Медведов ва Павел Зорковлар минг метрлик масофа бўйича ўтказилган финал беллашувларида маррага учинчи бўлиб етиб келиши ва бронза медалига сазовор бўлишди.

Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»

Мунажжим башорати

ИЧКИ ТУЙҒУЛАРИНГИЗГА ИШОНАВЕРИНГ

12 АВГУСТ, ЖУМА

Ҳа, мунажжим Лина Саванска бугун қалб нидоларига кулоқ солиш ва ички туйғуларингиз даъватига ишонингиз мумкин деб ҳисоблайди. Ҳар қандай сафарлар, шу жумладан, хизмат сафарлари, саёҳатлар омадди бўлади, дея таъкидлайди мунажжим.

Бугун яна дафъатан хаёлга келган ҳаракатни қилиш фойдали бўларкан. Имкон қадар ўз қўларингиз билан меҳнат қилиш, ижодий изланишлар асосида тиқиш-бичиш, попогчилик, каштанчилик, ўймакорлик, наққошчилик, чилангарлик ишлари билан шугулланиш самара келтиради. Шу кун ҳонаки жониворларга кўпроқ ғамхўрлик қилин, қушлар ва бугун кўрадиган барча ҳайвонларингизни, айниқса, улардан ўзлари уйингиз олдига келиб қолганларини боқиб тўйдиришга ҳаракат қилин. Жониворларнинг сизга бўлган муносабатларига қараб, одамлар сизни қанчалик қадрлашлари ҳақида мушоҳада юритишингиз мумкин.

Шу кун билмасдан сутни тўқиб юбориш ёки тасодифан болалар уйинчоғини топиб олиш яхшилик аломати ҳисобланади.

Бу кеча кўрадиган тушуларингизга унчалик эътибор қаратишингиз ҳожа-ти йўқ — улар бирон-бир аҳамиятли хабар бера олмайд.

Мураккаб дори-дармонлари тайёрлаш, фитотерапия билан шугулланиш, ҳаммом қилиш ва ёшартирувчи муолажалар билан машғул бўлиш учун бугунги кун гоят қулай ҳисобланади. Фақат олов билан ҳамда рўзгор асбоблари билан муомалада эҳтиёт бўлишни унутмасангиз бас.

Кийинишда ёрқин бўлмаган, кўрimsиз рангли либослар сизга омад келтиради. Қизил ва ёрқин яшил рангли кийимларингизни вагонингизнинг нариги бурчига суриб қўя туриң.

Сизга таниш мунажжим Л. Неведомская йўлларда мураккабликлар юзга келиши мумкинлигидан оголхаттиради: Марснинг Ойга қарши зиддиятли ҳолати, шунингдек, унинг Меркурий ва тунги Ойга нисбатан кескин салбий муносабати астрологик жиҳатдан йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайишини билдиради. Олдингиздаги машинани қувиб ўтишда айниқса ҳушёр бўлинг ва қўшалок қувиб ўтишларга ҳеч ҳам йўл қўйманг.

БУГУН:

- одатий муҳитни ва фаолият турини алмаштириш;
- сафарга чиқиб, кўчиб ўтиш, нарсаларни янги жойга қўчириш;
- спорт билан, оддий жисмоний меҳнат билан шугулланиш;
- ишлаб чиқариш ва муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этиш;
- шифокорлар, курувчилар, мураббийлар билан мулоқотда бўлиш;
- сифатли меҳнат қилиш, ўз бурчингизни бажаришга виждонан ёндошиш;
- шифо муассасаларига ташриф буюриш ва шошилинч тиббий ёрдам олиш тавсия этилади.

Йўлларда эҳтиётсизликка йўл қўйиш, томоқ, кўкрак ва қорин пастидидаги оғриқларга эътиборсиз бўлиш мумкин эмас.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулари боюнча.
5009 нусxada босилди. Қўроғ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акцидорлик компанияси босмохонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.